XALQ DEPUTATLARI ZARAFSHON SHAHAR KENGASHI
QAROR

210300, Zarafshon sh., Marvarid ko‘chasi 1

2022 - yil 15 - aprel VI-44-44-5-78-K/22 Zarafshon shahar hokimligi

Зарафшон шаҳар “Олтин водий” ва “Ёшлик” маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида янги маҳалла фуқаролар йиғинларини тузиш тўғрисида

“Олтин водий” маҳалла фуқаролар йиғинининг 2020 йил 17 октябрдаги 132-сонли ва “Ёшлик” маҳалла фуқаролар йиғинининг 2020 йил 16 октябрдаги 168-сонли илтимосномалари, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддаси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартдаги 48-сонли қарори ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 2022 йил 19 январдаги VI-30-10-5-0-K/22 сон қарорини инобатга олиб, халқ депутатлари шаҳар Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Шаҳардаги “Олтин водий” ва “Ёшлик” маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида янги маҳалла фуқаролар йиғинлари тузилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги кадастр агентлиги эксперт комиссиясининг хулосасига асосан янги тузилаётган маҳаллаларга “Ўзбекистон” ва “Истиқлол” номи берилсин.

3. Бўлинадиган ва янги ташкил этиладиган маҳалла фуқаролар йиғинларининг:

ер майдони 1-иловага мувофиқ;

аҳоли сони 2-иловага мувофиқ;

уларнинг чегаралари 3-иловага мувофиқ;

“Олтин водий” ва “Ёшлик” маҳалла фуқаролар йиғинларининг ўзгартирилган чегара чизмалари 4-иловага мувофиқ;

“Олтин водий” ва “Ёшлик” маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида ташкил этилаётган “Ўзбекистон” ва “Истиқлол” маҳалла фуқаролар йиғинларининг чегара чизмаси 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Шаҳар ҳокими ўринбосари (А.Шохмирзаев), шаҳар Статистика бўлими бошлиғи (Ф.Суюндиков), шаҳар Давлат хизматлари маркази (А.Ишанкулов), давлат кадастрлар палатаси Навоий вилоят бошқармаси Зарафшон шаҳар филиали бошлиғи (лавозимига кўра), шаҳар ҳокимининг қурилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик, экология ва

кўкаламзорлаштириш бўйича ўринбосари (Х.Орипов) ва бошқа тегишли мутасаддилар билан биргаликда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва электрон базани шакллантириш, иш юритиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш билан боғлиқ барча тадбирларни амалга оширсин.

5. Шаҳар ҳокимининг ўринбосари (А.Шохмирзаев), шаҳар ИИБ бошлиғи (Э.Яхёев), шаҳар Солиқ инспекцияси бошлиғи (З.Шомуродов), “Сарбон” МЧЖ раҳбари (Б.Эсанов)лар билан биргаликда:

мазкур қарор билан янги тузилган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳудудида яшовчи аҳолининг фуқаролик паспортларига ўзгартиришлар киритиш;

янгидан тузилган маҳалла фуқаролар йиғинларига думалоқ муҳр ва тамға ясаш;

маҳалла фуқаролар йиғинларига ИНН рақами очиш учун рухсатнома бериш;

мазкур ҳудуд акс эттирилган йўл белгиларига тегишли ўзгартиришлар киритиш ишларини ташкилий равишда амалга ошириш чораларини кўрсин.

6. Шаҳар ҳокими ўринбосарлари (А.Шохмирзаев, Х.Орипов), Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи (У.Очилов) билан биргаликда:

янгидан тузилган маҳалла фуқаролар йиғинларига номи ёзилган кўрсатгич ва белгилар, пешлавҳаларни замонавий дизайн асосида ўрнатиш;

янгидан тузилган маҳалла фуқаролар йиғинларини маъмурий бино ва керакли жиҳозлар билан таъминлаш вазифаси топширилсин.

7. Шаҳар ҳокимлиги молия бўлими (Н.Холов) янги маҳалла фуқаролар йиғинлари ташкил этилаётганлиги муносабати билан тегишли тартибда қўшимча штат бирликларини киритиши таъминлансин.

8. Шаҳар Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи (У.Очилов), шаҳар Ташкилий кадрлар гуруҳи раҳбари (Ш.Сирожов)га янги ташкил этилаётган маҳалла фуқаролар йиғинларида Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида”ги Қонунининг талаблари асосида маҳалла ҳудудида, кўчаларда вакиллар йиғилишлари ўтказилиб, сайлов йиғилишига вакиллар нормаси асосида вакиллар сайлаш, маҳалла фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли)ни сайловини ўтказиш учун камида 3 нафардан муносиб кадрлар захирасини шакллантириб, шаҳар ҳокимига таклиф киритиш вазифаси юклатилсин.

9. Шаҳар “Олтин водий” газетаси таҳририяти мазкур қарорни газетада расмий эълон қилсин ҳамда шаҳар ҳокимлиги ахборот хизмати хокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирсин.

10. Ушбу қарор расмий нашрда эълон қилинган кундан кучга кириши белгилансин.

11. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилишни Халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг доимий комиссиялари зиммасига юклатилсин.

Кенгаш раиси **А.Раджабов**

Xalq deputatlari Zarafshon shahar
Kengashining
2022 yil 15 apreldagi
VI-44-44-5-78-K/22-son qaroriga
1-ilova

“Олтин водий”, “Ёшлик” маҳалла фуқаролар йиғинларининг бўлинадиган ва янги ташкил этиладиган фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органларининг ер майдонлари

1	“Олтин водий” маҳалла фуқаролар йиғинининг умумий ер майдони (га)	“Олтин водий” маҳалла фуқаролар йиғинининг қолган ер майдони (га)	Янги ташкил этилаётган “Ўзбекистон” маҳалла фуқаролар йиғинининг ер майдони (га)
	27,6	16,4	11,2
2	“Ёшлик” маҳалла фуқаролар йиғинининг умумий ер майдони (га)	“Ёшлик” маҳалла фуқаролар йиғинининг қолган ер майдони (га)	Янги ташкил этилаётган “Истиқлол” маҳалла фуқаролар йиғинининг ер майдони (га)
	53,3	16,7	36,6

Xalq deputatlari Zarafshon shahar
Kengashining
2022 yil 15 apreldagi
VI-44-44-5-78-K/22-son qaroriga
2-ilova

“Олтин водий”, “Ёшлик” маҳалла фуқаролар йиғинларининг бўлинадиган ва янги ташкил этиладиган фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органларининг аҳоли сони

1	“Олтин водий” маҳалла фуқаролар йиғинининг умумий аҳоли сони (нафар)	“Олтин водий” маҳалла фуқаролар йиғинининг аҳоли сони (нафар)	Янги ташкил этилаётган “Ўзбекистон” маҳалла фуқаролар йиғинининг аҳоли сони (нафар)
	7720	4420	4300
2	“Ёшлик” маҳалла фуқаролар йиғинининг умумий аҳоли сони (нафар)	“Ёшлик” маҳалла фуқаролар йиғинининг аҳоли сони (нафар)	Янги ташкил этилаётган “Истиқлол” маҳалла фуқаролар йиғинининг аҳоли сони (нафар)
	10028	4415	5613

Xalq deputatlari Zarafshon shahar
Kengashining
2022 yil 15 apreldagi
VI-44-44-5-78-K/22-son qaroriga
3-ilova


“Олтин водий”, “Ёшлик” маҳалла фуқаролар йиғинларининг бўлинадиган ва янги ташкил этиладиган фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органларининг чегаралари

1	“Олтин водий” маҳалла фуқаролар йиғинининг чегаралари	“Олтин водий” маҳалла фуқаролар йиғинининг чегаралари	Янги ташкил этилаётган “Ўзбекистон” маҳалла фуқаролар йиғинининг чегаралари
	Марварид Алпомиш Қизилқум Саноатчилар Ибн Сино Темурийлар	Марварид Алпомиш Қизилқум Саноатчилар Ибн Сино	Марварид Қизилқум Саноатчилар Ибн Сино Темурийлар
2	“Ёшлик” маҳалла фуқаролар йиғинининг чегаралари	“Ёшлик” маҳалла фуқаролар йиғинининг чегаралари	Янги ташкил этилаётган “Истиқлол” маҳалла фуқаролар йиғинининг чегаралари
	Фавворалар Алпомиш Зарапетян Халқлар дўстлиги Ибн Сино	Алпомиш Зарапетян	Фавворалар Алпомиш Халқлар дўстлиги Ибн Сино

Xalq deputatlari Zarafshon shahar
Kengashining
2022 yil 15 apreldagi
VI-44-44-5-78-K/22-son qaroriga
4-ilova

PRODUCED BY AN AUTODESK EDUCATIONAL PRODUCT

Олтин водий МФЙ



Олтин водий МФЙ чегараси

Умумий ер майдони 16.4 га


PRODUCED BY AN AUTODESK EDUCATIONAL PRODUCT

PRODUCED BY AN AUTODESK EDUCATIONAL PRODUCT

PRODUCED BY AN AUTODESK EDUCATIONAL PRODUCT

PRODUCED BY AN AUTODESK EDUCATIONAL PRODUCT

Ёшлик МФЙ



Ёшлик МФЙ чегараси

Умумий ер майдони 16.7 га

PRODUCED BY AN AUTODESK EDUCATIONAL PRODUCT


Xalq deputatlari Zarafshon shahar
Kengashining
2022 yil 15 apreldagi
VI-44-44-5-78-K/22-son qaroriga
5-ilova

PRODUCED BY AN AUTODESK EDUCATIONAL PRODUCT

PRODUCED BY AN AUTODESK EDUCATIONAL PRODUCT

PRODUCED BY AN AUTODESK EDUCATIONAL PRODUCT

Истиқлол МФЙ




Истиклол МФЙ чегараси

Умумий ер майдони 36.6 га

PRODUCED BY AN AUTODESK EDUCATIONAL PRODUCT

PRODUCED BY AN AUTODESK EDUCATIONAL PRODUCT

Ўзбекистон МФЙ



Ўзбекистон МФЙ чегараси

Умумий ер майдони 11.2 га

PRODUCED BY AN AUTODESK EDUCATIONAL PRODUCT

PRODUCED BY AN AUTODESK EDUCATIONAL PRODUCT

PRODUCED BY AN AUTODESK EDUCATIONAL PRODUCT